



Коронавирусга карши вакцина "халол" сифат сертификатини олиши шарт эмас, бу хакида Малайзия согликни саклаш вазирлиги маълум килди. "Вакциналар халол аттестациядан ўтса, яхши бўлади, аммо биз бу маком асосида дори-дармонларни рўйхатдан ўтказмаймиз", - дея изоҳ берди вазирлик.

Аввалрок Малайзияда Ислом ишлари бўйича Миллий кенгаш кўмитаси мусулмонларни эмлаш масаласини кўтарган эди. COVID-19 вакцинасидан мусулмонлар фойдаланиши учун рухсат бериладими, деган хавотирлар Малайзия ишлаб чикарувчилар билан таъминот битими имзолаганидан кейин юзага келди.

Малайзия Ислом ишлари бўйича Миллий кенгашининг махсус хайъати пайшанба куни учрашиб, мусулмонлар вакцина килдириши мумкинлигини мухокама килди. Дин ишлари бўйича вазир Зулкифлининг Мухаммад ал-Бакрининг айтишича, бу карор диний ишларни назорат килувчи киролга розилиги учун тақдим этилганидан сўнг эълон килинади.

Муфтий Моҳд Асрый Заинул Абидин, кўмита йигилишидан кейин Facebook постида, "агар дори кабул килинмайдиган модда бўлса хам, кимёвий ўзгариш жараёни уни тоза ва халол килади", деди.

Малазиянинг Pharmaniaga фармацевтика компанияси таъкидлашича, халол вакциналар ишлаб чикириш бўйича дунёдаги илк корхона 2022 йилга келиб барпо этилади.

Малайзия ноябр ойида Covax Facility (Covax) ва Pfizer билан ахолининг 20 фоизи учун

12,8 миллион доза вакцина етказиб бериш хакида шартнома тузди.